

Newsletter Usbekistan

03/2021

2021 йил 23 ноябрь



IX. Марказий Осиё конференцияси – Тошкентда премьера

Марказий Осиёдаги ҳамкорлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш

Пандемия бошланганидан кейинги биринчи йирик тадбирлардан бири сифатида Халқаро ҳамкорлик бўйича Deutsche Sparkassenstiftungнинг анъанавий Марказий Осиё конференцияси **2021 йил 31 октябрдан 02 ноябргача** гибрид шаклда бўлиб ўтди. Мезбон давлат биринчи марта Ўзбекистон бўлди. “Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда қишлоқ ҳудудларининг ривожланишига кўмаклашиш ва кичик ва ўрта бизнес секторини мустаҳкамлаш” минтақавий лойиҳаси билан биргаликда Ўзбекистон лойиҳа жамоаси мазмун ва маърузалар туркумини ишлаб чиқди. 2021 йилги Марказий Осиё конференцияси қуидаги **мавзуларга** қаратилди:

- Молиявий инклюзия
- Кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашиш
- Green Finance – яшил молия



2021 йил 31 октябрь: Молиявий инклюзия

Ушбу йирик конференция турли ташкилотларнинг юқори мартабали вакиллари, шунингдек, Д-р **Тило Клиннер**, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси, томонидан кутлов сўzlари билан очиб берилди. Кириш қисми нотиклари сирасига **Маттиас Фосс** (Халқаро ҳамкорлик бўйича Deutsche Sparkassenstiftung ташкилотининг



Европа/ Марказий Осиё департаменти раҳбари), **Никлаус Бергманн** (онлайн; Deutsche Sparkassenstiftung ташкилотининг ижроchi директори), **сенатор Алишер Саъдуллаев** (Ёшлар ишлари давлат агентлиги раҳбари) шунингдек **германиялик ҳамкор Шпаркассаларнинг** вакиллари ҳам кирдилар.

Расм чапдан ўнгга: Др Михаил Бек, Д-р Тило Клиннер, Алишер Саъдуллаев, Аня Хойер, Маттиас Ванглер, Маттиас Фосс

Молиявий инклюзия мавзуси бўйича қуидаги маъruzalар бўлиб ўтди:

- Банк иши жуда осон бўлиши мумкин – молиявий инклюзия яратиш учун “интуитив” жараёнлардан фойдаланиш (Маъruzachi: Д-р. Юрген Вайманн, онлайн)
- Барча ҳислар билан ўрганиш – ногиронлар учун инновацион таклиф таклифлари (Маъruzachilar: Д-р. Ян Вульф-Шнабел ва Геза Кобс хоним)



Дастурнинг биринчи куни якунида иштирокчилар ва маъruzachilar таниқли **Марк Вайл номидаги “Илҳом”** театрида “Мен сени севаман, лекин...” театр томошасига ташриф буюрдилар. Илгари маданият муассасасида ногиронлиги бўлган шахслар актёр сифатида фаол иштирок этган инклюзив спектакллар намойиш этилган. Биз бу билан “Барча ижтиомий табақаларни қамраб олиш” мавзусидаги маъruzalаримиз учун идеал жой топдик. Ушбу жуда муҳим мавзууни Deutsche Sparkassenstiftungning Марказий Осиёдаги лойиҳа ишларига янада интеграциялашуви учун янги импульслар яратилди.



2021 йил 01 ноябрь: Кичик ва ўрта тадбиркорлик секторини қўллаб-куватлаш



Конференциянинг иккинчи кунида барча иштирокчилар Нурафшон ва Бўқадаги ёш фермерлар ва уларнинг қишлоқлардаги хўжаликларига ташриф буюришга таклиф этилдилар. Ёш фермерлар дейилганда гап ё бизнинг таълим дастуримиз доирасида ўз хўжаликлари учун кичкина кредитолган ёки маҳсус шакллантирилган COVID-19 Emergency Recovery Fund орқали ўз хўжаликларини давом эттиришда кўмак олган ёш деҳқонлар ҳақида боради.

Чапдаги расм: Заҳро
Омонова оиласи
билин - лимон
иссиқхонасининг
эгаси

Ўнгдаги расм:
Сайджаҳон
Турсунқулов
асаларичилик
хўжалигида асални
тотиб кўриш



Ушбу ташрифлар арафасида **Ёшлар Иттифоқининг Нурафшон шаҳридаги таълим марказига** ҳам ташриф уюстирилди. Бу ерда Deutsche Sparkassenstiftungning Марказий Осиёдаги лойиҳаларига бағишиланган **семинар** бўлиб ўтди. Семинар мавзуси: “Биз кўп нарсага эришдик ва ҳали қиладиган ишларимиз кўп.”

2021 йил 02 ноябрь: Green Finance – Яшил молия

Конференциянинг учинчи куни аввалги кунги **семинарнинг** давоми билан бошланди. Айрим давлатларнинг ҳамкорлари ўзларининг узоқ муддатли эксперклари билан алоҳида гурухларда ҳамкорликдаги муаммолар юзасидан фикр алмашиди ҳамда ҳамкорликни янада ривожлантириш истагини билдиришиди. Лойиҳа ҳамкорларининг кўплаб таклиф ва фоялари инобатга олинди.

Шундан сўнг охирги, аммо шунга қарамай жуда муҳим ва истиқболга мўлжалланган **“яшил молия”** мавзуси бўйича иккита маъruzza бўлиб ўтди. Экологик барқарор ва экологик тоза технологияларга инвестицияларни молиялаштириш келажакда Deutsche Sparkassenstiftung учун тобора муҳим аҳамият касб этади ва алоҳида мамлакатларнинг лойиҳа ишларига тобора кўпроқ интеграция қилинади.

Ушбу мавзуу бўйича қуйидаги маъruzalар бўлиб ўтди:

- Green Finance – яшил молия (Маъruzachi: Проф. Д-р. Тобиас Пайло)
- Эртага қайси дунёда яшаймиз? Турли сценарийлар билан Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришининг таъсири (Маъruzachi: Д-р Бижан Фаллаҳ, онлайн)



Конференциянинг учинчи куни якунида биз Ўзбекистондаги вакил ва лойиҳаларнинг узоқ муддатли эксперти, жаноб **Матиас Ванглерни** 64 ёши билан табриклашга муваффак бўлдик. Шу ўринда унга биз яна бир маротаба келгуси ишларида омадлар тилаб қоламиз!

Марказий Осиё конференцияси доирасида кечки пайт **Тошкент Сити планетарийисига** ташриф буюрилди ва шунингдек маҳсус ёпилиш зиёфати билан якунланиб, ўтган кунларга назар ташлаб, миннатдорчилик сўзлари янгради.

Иштирокчилар бир-бирлари билан Deutsche Sparkassenstiftungнинг Марказий Осиё мамлакатларидағи лойиҳалари ўртасидаги яқин ва муваффақиятли ҳамкорлик руҳида кўплаб янги гоялар ва илҳомга тўлиб хайрлашди.

